ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИНСТИТУТИ КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 4 МАЙ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 86 (10.643) Баҳоси эркин нархда

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 2-3 МАЙ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ.

Покистон заминида минг йиллар мобайнида турли цивилизациялар алмашиб келган. Эрамиздан бир неча асрлар аввал Хараппа цивилизацияси ҳукм сурган бу юртда ҳозир ҳам орий, юнон, араб, турк ва инглиз саркардаларининг изларини топиш мумкин. Бу заминга Искандар, Чандрагупта, Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Мирзо Бобурнинг оёғи теккан.

Покистонликлар табиатида шарқона мушоҳада яққол сезилиб туради. Бу мушоҳада замирида шарқона возминлик бор. Ана шу возминлик орқали мушоҳада донишмандликка айланади. Исломобод Осиёдаги, айрим маълумотларга кўра, дунёдаги энг катта масжидга — Шоҳ Фейсал масжидига эга бўлгани ҳолда, ҳали- ҳануз кенгайишга ошиқмаётгани, аввалги Бошкент Карачидек теварак-атрофни ўзига сингдириб юбормаётгани ҳам ўзига хос возминлик белгисидир.

Буларнинг барчаси Покистон баайни Ўзбекистон сингари ғоят бой тарихга эга эканлигидан, халқларимиз чуқур тарихий, маънавий-маданий ришталар билан боғланганидан далолат беради. Мисол тариқасида Мирзо Бобур мероси халқларимизнинг умумий мулки саналишини айтиш мумкин. Айни кунларда аждодларимиз давридаги маданий қадриятларни, археологик топилмаларни, қўлёзмаларни ўрганиш юзасидан қўшма илмий тадқиқотлар ўтказилаётгани дунё халқаро муносабатлар тизимидаги ноёб ҳамкорлик алоқаларидан бири эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи тарихий муштараклик асосига қурилган икки томонлама муносабатларни ҳозирги давр руҳи ва талаблари даражасида ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб бергани билан аҳамиятлидир.

Покистон Президенти Парвез Мушарраф билан ўтказилган яккама-якка суҳбат ва икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган тартибдаги музокара ўзаро муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш, таҳлил этиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаш учун яхши имконият бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон билан Покистоннинг ҳамкорлиги янги суръат билан ривожланмоқда. Исломобод ўзининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини кенгайтиришда Ўзбекистонга алоҳида аҳамият қаратади. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг кўпгина сиёсий масалаларда ҳамфикрлиги яхши асос бўлмоқда. Масалан, Покистон Андижон воқеаларидан кейин БМТ Бош ассамблеясида Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини ёқлади. Исломобод мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Айни пайтда Покистон раҳбарияти бу мамлакатда 2005 йил 8 октябрда бўлган зилзиладан кейин Ўзбекистон томонидан кўрсатилган ёрдамни жуда қадрлайди. Ўзбекистоннинг бундай елкадошлигига миннатдорлик ташриф асносида Президентлар имзолаган Қўшма баёнотда ҳам ўз аксини топган.

Шу омилларни инобатга олиб, Ўзбекистон билан Покистон ўртасида мустаҳкам ишонч ва самимий ҳурматга асосланган муносабатлар қарор топиб бораётганини таъкидлаш мумкин. Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, турли даражадаги мулоқотларни кенгайтириш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва ҳаётга фаол татбиқ этиш борасида мамлакатларимизнинг интилишлари бир хил эканлиги сафар асносида бир неча бор қайд этилди.

Президентлар хавфсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Бу мавзу бевосита Афғонистондаги вазиятга бориб тақалиши равшан. Зеро, Ўзбекистон ва Покистон террор билан юзма-юз келган давлатлардир. Халқаро терроризм ва экстремизм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликнинг ривожланиши, ноқонуний миграция ва инсон савдоси, шунингдек, экологик муаммолар ва табиий офатларнинг олдини олиш борасида ҳамкорликни кенгайтириш ҳар иккала давлат учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Президентлар ҳозирги пайтда Афғонистонда ҳавфсизлик муаммоси ҳал этилмас экан, у ерда давлатчиликни тиклаш, халқ хўжалигини оёққа тургазиш, инфратузилмани ривожлантириш қийин кечади.

Афғонистондаги беқарорлик эса Марказий Осиё ва Жанубий Осиё давлатларидан иборат макроминтақадаги вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф Афғонистондаги тикланиш ишларида ҳамкорлик масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Президентлар турли минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро нуқтаи назарни мувофиқлаштириб боришга келишиб олдилар. Жумладан, БМТни ислоҳ қилиш масалаларида баҳамжиҳат иш кўриш ҳамда минтақавий ва халқаро миқёсдаги жараёнларга таъсир кўрсатишга қодир бўлган ШҲТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар маъқулланди.

Музокараларда минтақавий транспорт-коммуникация лойиҳаларини ижро этиш энг долзарб вазифалардан бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланди. Бу йўналишдаги ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантиришга келишиб олинди.

Сир эмаски, Покистоннинг Карачи ва Гвадар бандаргоҳлари Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё давлатлари маҳсулотларини дунё бозорларига чиқариш учун яхши восита бўлади. Шу билан бирга, Покистондан Марказий Осиёга савдо йўлини ривожлантириш ҳам минтақалараро иқтисодий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон-Покистон савдо-иқтисодий муносабатларига келсак, 2005 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 10,7 фоиз ортди, жорий йилнинг январь-февраль ойларига доир кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 карра ошди. Аммо Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги савдо ҳажми ҳали имкониятлар даражасида эмас.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда, томонлар қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг алоқаларини қўллаб- қувватлаш ва рағбатлантириш, жумладан, улар учун виза бериш тартибини енгиллаштириш, мунтазам равишда бизнес-форумлар ва кооперацион биржалар ташкил этиб бориш, ҳисоб-китоб ишларини соддалаштириш учун банклараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Энергетика манбалари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Энергетик хавфсизлик масаласи кундан-кун долзарблик касб этиб бораётган ҳозирги даврда бу йўналишдаги алоқалар Ўзбекистон ва Покистонга муқаррар фойда келтиради.

Музокараларда Ўзбекистон ва Покистон халқларининг маданий яқинлигини назарда тутиб, академик доиралар, маорифи ва олий таълим муассасалари, сайёҳлик компаниялари, шунингдек, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари каби соҳалар вакилларини ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Учрашувлар ниҳоясида Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф Ўзбекистон Республикаси Президентининг Покистон Ислом Республикасига ташрифи якунларига доир Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида Халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни кучга киритиш учун ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисида протокол, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида ҳукуматлараро англашув меморандуми, шунингдек, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Покистон Озиқ- овқат, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик вазирлиги ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси билан Покистон Даромадлар бош бошқармаси ўртасида ташқи савдо божхона статистикаси соҳасида ўзаро услуб ва ахборот алмашишда ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Савдо- саноат палатаси билан Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ўртасида Қўшма тадбиркорлар кенгашини тузиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Покистон Миллий банки ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан «Хабиб банк лимитед» ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Матбуот анжуманида музокаралар самарали кечгани, мулоқотлар чоғида икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилгани таъкидланди. Муҳокама этилган барча масалаларда томонларнинг фикри бир жойдан чиққани, кўплаб халқаро муаммоларга Ўзбекистон ва Покистоннинг муносабати ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди.

—Музокаралар очиқ, ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ўтди, самарали кечди, — деди Ислом Каримов. — Ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини таҳлил этдик ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилдик. Қатор халқаро масалаларда қарашларимиз яқин ва ўхшаш, айниқса, хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, етакчи халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳамфикрмиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Покистоннинг терроризмга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо беришини таъкидлади.

Парвез Мушарраф терроризмга қарши кураш янги тактикани тақозо этаётганини, бу борада баҳамжиҳат ҳаракат қилингандагина кутилган натижага эришиш мумкинлигини таъкидлади.

—Бу алоҳида бир давлатнинг иши эмас, — деди Покистон Президенти. — Хавфсизлик органлари яқин ҳамкорликда ишлаши, ахборот алмашиши лозим. Аввало, терроризмнинг молиявий манбаларига барҳам бериш зарур.

Покистон Ўзбекистон билан барча соҳаларда икки томонлама, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини таъкидлаган Парвез Мушарраф ҳамжиҳатлик асосида турли масалалар юзасидан ўзаро келишилган қарорлар ишлаб чиқиш учун барча имкониятларни ишга солишини қайд этди.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Покистон Бош вазири Шавкат Азиз билан учрашди.

Музокарада. Ўзбекистон-Покистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, икки мамлакат ўзаро савдо-иқтисодий, ижтимоий- маданий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Томонлар фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш орқали ўзаро савдо ҳажмини ошириш хусусида суҳбатлашдилар. Шунингдек, сармоявий ҳамкорликка, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳда Покистон Миллий ассамблеяси (парламентнинг қуйи палатаси) раиси Чаудри Амин Ҳусайнни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Покистон ўртасида қонун ижодкорлиги соҳасида ахборот ва тажриба алмашиш давлатлараро муносабатларимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Чаудри Амин Ҳусайн мамлакатимиз раҳбарини ташрифнинг самарали натижалари билан қутлаб, Покистон Миллий ассамблеяси Ўзбекистон Олий Мажлиси билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Покистоннинг федерал сув хўжалиги ва энергетика вазири, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон ҳукуматлараро комиссиясининг ҳамраиси Лаиқат Али Жатойни ҳам қабул қилди. Суҳбат чоғида сув-энергетика мажмуи соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳукуматлараро комиссиянинг фаолият кўламини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. У шуниси билан аҳамиятлики, ҳозиргача 26 ҳужжат билан тартибга солиб келинган ўзаро муносабатлар эндиликда янги суръат билан ривожланади. Президентларнинг кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги, эришилган сиёсий келишувлар давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлайди. Иқтисодий битимлар эса мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мазмунини бойитади. Бир сўз билан айтганда, бу ташриф Ўзбекистон ва Покистонни бир-бирига янада яқинлаштирди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Исломобод-Тошкент.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●БУГУН Ҳамза темир йўл касб-ҳунар коллежида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «Ҳомийлик—юксак фазилат» деб номланди.

●БУГУН Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 3-кутубхонасида «Болалар кутубхонасининг энг яхши китобхони» мавзуида Бектемир туман кўрик-танлови ўтказилди.

●БУГУН Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидага академик лицейда «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман етакчилар кенгаши ташаббуси билан етакчилар иштирокида уюштирилган ўқув семинари «Инсонлар орасидаги муаммолар» деб номланди.

●БУГУН Сергели туманидаги Алишер Навоий маҳалласида «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси—ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг Сергели туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

«Умид ниҳоллари — 2006»

БЕҒУБОРЛИК ВА ЖЎШҚИНЛИК БАЙРАМИ

КЕЧА ШАҲРИМИЗНИНГ МАРКАЗИЙ ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ МАЖМУАСИДА «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2006» ЎЙИНЛАРИНИНГ ЯКУНИЙ — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ШАЙЛАНГАН ПОЙТАХТИМИЗ ТЕРМА ЖАМОАСИ СПОРТЧИЛАРИНИ ҚАРШИ ШАҲРИГА ТАНТАНАЛИ КУЗАТИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ушбу тадбир олдидан ёш спортчилар Тошкент шаҳар ҳокими қабулига таклиф этилдилар.

Шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев «Умид ниҳоллари» ўйинларининг ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний баркамол бўлиб шаклланишидаги аҳамиятига алоҳида урғу бериб ўтди ҳамда болаларнинг мусобақаларга жисмонан тайёрлигига юқори баҳо бериб, бу борада авваламбор мураббийларнинг хизмати катта эканлигини қайд этди. Шунингдек, анъанавий тус олган мактаб ўқувчилари ўртасидаги нуфузли спорт ўйинларининг бу йилги иштирокчиларига омад ва зафарлар тилаб, улар орасидан ҳам келажакда албатта профессионал спортчилар етишиб чиқиши ва мамлакатимиз шаънини жаҳон спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилишига умид билдирди.

(Давоми 2-бетда)



XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасининг балиқ ресурсларини ҳуқуқий бошқариш» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

● Бугун Қарши шаҳрида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақалари бошланади.

● Тошкентдаги «Зарафшон» концерт залида 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб оммавий ахборот воситалари вакиллари учун эълон қилинган «Олтин қалам» халқаро танлови ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Унда турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритган журналистларга танлов ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

● Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ёш нотиқларининг бир гуруҳи «Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!» номли дастур асосида Фарғона водийсидаги таълим муассасаларига ташриф буюрди. Хусусан, Андижон Давлат университетининг мажлислар залида, талабалар турар жойларида бўлиб ўтган учрашув ва семинар-тренингларда қарийб 1000 га яқин талаба иштирок этди.

● Тошкентдаги 60-мактабда Ўзбекистон немис тили ўқитувчиларининг V съезди бўлиб ўтди. Уни ташкил этишда Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Гёте институти, DAAD ташкилоти, Республика Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ёрдам кўрсатдилар. Съезднинг меҳмонлари ва қатнашчилари нафақат республикамиз ўқитувчилари бўлди, балки Марказий Осиё республикалари немис тили ўқитувчилари ассоциацияси вакиллари ҳам тадбирда иштирок этишди.

● Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида йилига 1000 тоннага яқин мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган янги корхона ишга туширилди. Мазкур консерва заводи билан туманнинг тўртта ширкат ва олтита фермер хўжаликлари ўртасида турли сабзавот ва мевалар етказиб бериш ҳамда Россиянинг Красноярск ўлкасига 70 тонна томат пастасини тайёрлаб жўнатиш бўйича шартномалар тузилди.

● Навоий шаҳридаги «Қизилқум саховати» консерва заводи кунига 200 тонна ўрик ва 300 тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга. Корхонада ўтган йили 120 тонна ўрик қайнатмаси ва 50 тонна томат пастаси ишлаб чиқарилиб, Россия ва Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилинди.

● Мана олти йилдирки, Қибрай тумани, Салор шаҳарчасидаги Тошкент Давлат аграр университетининг тажриба участкасида бир гектарлик «Хотира боғи» яратилмоқда. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида «Олтин мерос» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими ходимлари ва фаоллари «Хотира боғи»да ҳар якшанба куни ҳашар уюштирмоқдалар.

ЖАҲОНДА

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан терроризмга қарши курашнинг глобал стратегиясини эълон қилди. Унда биотерроризмга қарши курашга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳужжатда таъкидланишича, биотерроризм хавфини бартараф қилиш учун янгидан-янги йўлларни ишлаб чиқиш зарур.

● Кеча эрталаб Ереван -Сочи йўналиши бўйича парвозни амалга ошираётган Арманистон ҳаво йўлларига қарашли А-320 самолёти Адлер аэропортидан 5 километр узоқликда ҳалокатга учраб, Қора денгизга қулаб тушган. Самолётдаги барча 113 нафар йўловчи ва экипаж аъзоларининг ҳалок бўлганлиги тахмин қилинмоқда. Ҳозирда кенг кўламдаги қутқарув-қидирув ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу ҳалокат муносабати билан эртага Россия ва Арманистонда мотам куни эълон қилинади.

● Ўтган куни Япония пойтахти Токиода ер силкиниши содир бўлди. Рихтер шкаласи бўйича 5,6 балли зилзила рўй берганидан сўнг мамлакатдаги тезюрар поездлар ҳаракати вақтинчалик тўхтатилди. Ҳозирча жабр кўрганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.

● Россия Федерациясининг Олтой ўлкасидаги сув тошқинлари ўлка маркази бўлмиш Барнаулга ҳам етиб келди.

● Италияда махсус хизмат вакиллари томонидан яқинда қўлга олинган Сицилия мафиясининг раҳбари Бернардо Провинциано устидан суд мажлиси бошланди.

● Боливия Президенти Эво Моралес мамлакатдаги нефть ва газ соҳасидаги мулклар ва конларни давлат ҳисобига ўтказиш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Президент шу муносабат билан қилган чиқишида бундан кейин барча шахталар, ўрмон ва табиий ресурслар давлатга ўтишини таъкидлади.

● Германияда бир неча йиллар давомида ўзининг тўққизта янги туғилган чақалоғини ўлдирганликда айбланаётган Сабина Хильштейн устидан суд жараёни бошланди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 5 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-14, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.





Маҳалланг—ота-онанг

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА ЎТДИ

МАҲАЛЛА ДЕГАНДА АВВАЛО КЎЗ ОЛДИМИЗГА ТИНЧ, ОСОЙИШТА, ҲАМКОРУ ҲАМЖИҲАТЛИКДА ИШ ЮРИТАДИГАН, КЕКСАЮ ЁШГА СУЯНЧИҚ БЎЛА ОЛАДИГАН НУРЛИ БИР МАСКАН КЕЛАДИ. ДАРҲАҚИҚАТ, БУГУН ВАТАН ИЧРА КИЧИК ВАТАНГА, ОРЗУ-УМИДЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРУВЧИ МАСКАНГА АЙЛАНИБ УЛГУРГАН МАҲАЛЛАНИНГ НУФУЗИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ МАВҚЕИ ТОБОРА ЮКСАЛИБ, ШУНГА ЯРАША МАСЪУЛИЯТИ ҲАМ ОРТИБ БОРМОҚДА.

Айни кунларда эса фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда. Хусусан, Собир Раҳимов туманидаги «Ачаобод» маҳалласида ҳам очиқ, ошкора, демократик руҳда сайловлар бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман ҳокимлиги, Республика ва шаҳар «Маҳалла» жамғармалари вакиллари, бошқа туманларнинг ишчи гуруҳи аъзолари, хотин-қизлар комиссияларининг раислари ва маҳалла фаоллари қатнашишди. Кун тартибига қўйилган масалалар билан ишчи гуруҳи раиси, 14-оилавий поликлиника бош шифокори Шаҳзода Алимова йиғилганларни таништирар экан, аввало «Ачаобод» маҳалласидаги 9 та кўчадан 72 нафар вакил сайлангани, маҳалла оқсоқоллигига 5 нафар кишининг номзоди кўрсатилгани ҳақида маълумот берди.



Дастлаб «Ачаобод» маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Ҳикматов ўтган 2,5 йил ичида маҳаллада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, меҳр-оқибатни кучайтириш, фуқаролар манфаатлари йўлида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Хусусан ҳисоботдан эришилган катта-кичик ютуқлар, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий муҳофазаси, ёшлар тарбияси, пенсионерлар, ногиронлар ва барча маҳалла аёлларини тиббий кўрикдан ўтказиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд ҳар бир йўналишдаги комиссиялар ўз иш режаларига мувофиқ фаолият олиб борганлиги ҳақидаги маълумотлар ўрин олди.

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Шуни айтиб ўтиш жоизки, маҳаллада амалга оширилаётган ибратли ишлар билан бирга ҳали ечимини кутиб турган камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги ҳақида холис баҳолар берилди.

Ҳисоботдан сўнг саккиз нафар маҳалла фаолларининг фикрлари, таклиф ва мулоҳазалари эшитилди. Улар маҳалла оқсоқоли ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботидан қониқиш ҳосил қилганлари ва уларнинг фаолиятини ижобий баҳолаганлари ҳақида фикр билдирдилар.

Шундан сўнг муҳокамага қўйилган масала юзасидан очиқ овоз бериш йўли, аҳоли ҳохиш-иродаси билан Хайрулла Ҳикматов маҳалла оқсоқоли вазифасига қайта сайланди.

Маҳалла оқсоқолининг маслаҳатчилари ҳам худди шу усулда сайландилар. Маҳалла аҳли ишончи ва эътиборига сазовор бўлиб, оқсоқоллик вазифасига яна бир бор сайланган Хайрулла Ҳикматов ўзига билдирилган ишончни албатта оқлашга ваъда бериб, янги иш режалари ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбир сўнгида сўз олган туман ҳокими Бахтиёр Ҳакимов Президентимиз, давлатимиз томонидан маҳаллаларга, айниқса пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмига кўрсатилаётган катта эътибор туфайли ўтган 2 йил вақт ичида у таниб бўлмас қиёфа касб этгани ва инсон манфаати йўлидаги хайрли ишлар давом этажаги ҳақида тўхталиб ўтди. Ўйлаймизки қатнашчилар бугунги сайловдан кўнгиллари тўлиб, эртанги кунга катта ишонч билан қайтдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Ачаобод» маҳалласида бўлиб ўтган сайловдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ САЙЛОВИ—2006:

САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Қонунга кўра фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи қандай ваколатларга эга?

Ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилайди ҳамда йиғин ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади, фуқаролар йиғини иштирокчиларини рўйхатга олади, тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди, сайловни ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг такрорий сайлови ўтказилишини ташкил этади, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлов натижалари устидан кимга шикоят қилиши мумкин?

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари юзасидан фуқаролар йиғини қабул қилган қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари қанча муддатда кўриб чиқилади?

Фуқаролар томонидан берилган ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиш шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Қандай ҳолларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида такрорий овоз бериш ўтказилади?

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси сайланган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қандай талаблар қўйилган?

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига, қоида тариқасида, олий маълумотли ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган фуқаролар номзод этиб кўрсатилиши мумкин.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида кимлар иштирок этиш ҳуқуқига эга?

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда ҳуқуқига ихтиёрий ҳамда эркин тарзда сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмас. Ушбу сайловларда фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Тошкент Давлат юридик институти мутахассислари томонидан тайёрланди.

БЕҒУБОРЛИК ВА ЖЎШҚИНЛИК БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кеча ёш спортчилар, шунингдек, «Умид ниҳоллари» ўйинлари машъаласини шаҳримиз бўйлаб манзил сари етказишди. Улар машъалани Тошкент вилоятидаги тенгдошларидан қабул қилиб, Бектемир, Ҳамза, Миробод, Сергели, Яккасарой ва Чилонзор туманлари ҳудудлари бўйлаб олиб ўтишди.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва баркамол авлодни шакллантириш омили бўлмиш оммавий спорт ва жисмоний



тарбияни ривожлантириш — мустақил давлатимиз кучли ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан яратилган жисмоний тарбия ҳаракатининг уч босқичли дастури бунинг ёрқин исботидир. Жумладан, мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» ўйинлари, ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари жалб этилаётган «Баркамол авлод» ҳамда талаба-ёшлар ўртасидаги «Универсиада» мусобақалари мамлакатимизда анъанавий тус олган. Ушбу дастурнинг изчил татбиқ этилишида махсус тизим ишлаб чиқилган бўлиб, унга республикамиз аҳолисининг учдан икки қисмини



ташкил этувчи ёшларимиз спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб этилиб келинади. Хусусан, «Умид ниҳоллари»нинг мактаб, туман, шаҳар ва вилоят микёсидаги дастлабки босқичларида беш миллионга яқин 1-10-синф ўқувчилари иштирок этади. Маълумки, ушбу ўйинларнинг аввалги якуний босқичлари Фарғона ва Хоразм вилоятларида ўтказилган. Бу сафар «Умид ниҳоллари»га Қашқадарё вилоятининг бош шаҳри — Қарши мезбонлик қилмоқда. 4-9 май кунлари бу ерда «Умид ниҳоллари»нинг якуний босқичи бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз спорт ҳаётидаги бундай йирик тадбирга Қарши шаҳрида қизғин тайёргарлик олиб борилди. Бу ерда бир нечта янги замонавий спорт мажмуалари барпо этилган. Мусобақа иштирокчиларининг машғулотлар ўтказиш ва мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган. Умуман олганда, шу кунларда Қарши шаҳри байрамона тусга кирган. Унинг кўчаю майдонлари рангбаранг байроқлар билан безатилган. Фусункор фаворалар атрофга ўзгача чирой бахшида этмоқда. Мусобақалар доирасида маданий дастур ҳам кўзда тутилган. Шаҳарнинг ёш меҳмонлари Қаршининг диққатга сазовор жойларига ташриф буюрадилар.

Дастлабки маълумотларга кўра, «Умид ниҳоллари»нинг республика босқичида 1,5 мингга яқин ҳаваскор спортчи иштирок этади. Тошкент шаҳар терма жамоаси 143 нафар ўғил-қизлардан иборат бўлиб, улар спортнинг 12 тури, шу жумладан миллий кураш бўйича ҳам беллашувларда қатнашадилар.

9 май куни мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимидан сўнг кечки пайт шаҳримиз ёш спортчилари яна ота-оналари, мураббий ва мактабдошлари томонидан тантанали кутиб олинади ва ишончимиз комилки, улар бу сафар ҳам ғолиблик совринлари билан қайтишади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА,
Хидирали ПАНЖИЕВ

МОСКВА КИНОАНЖУМАНИ ЭНГ САРА АСАРЛАРНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

Москвада МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари миллий кино усталарининг 10-анжумани ниҳоясига етди. Унда юз нафардан зиёд иштирокчи ва меҳмон қатнашди. Аньанага кўра, Россия маданият ва оммавий коммуникациялар, ташқи ишлар вазирликлари ҳамда МДҲ Ижроия қўмитаси кўмагида Киночилар уюшмалари конфедерацияси ушбу тадбирнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлди.

Регламентга мувофиқ, Москва учрашувида кино асарлари танловсиз намойиш этилади. Бироқ шуниси муҳимки, анжуманнинг иштирокчилари ва меҳмонлар ҳамда москвалик томошабинлар МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларида яратилган энг сара фильмларни томоша қилишдек нодир имкониятга эга бўлдилар. Анжуман дастури доирасида мазкур мамлакатлар режиссёрлари томонидан яратилган 60 дан зиёд бадиий, ҳужжатли ва анимацион фильмлар намойиш этилди. Унда янги асарлардан ташқари турли йилларда ушбу киноанжуманнинг энг юқори баҳосини олган фильмлар ҳам кўрсатилди. Москва киноанжумани яна шуниси билан диққатга сазоворки, у Россия пойтахтида кўрсатиладиган асарларнинг бошқа кўпгина хорижий мамлакатлар экранларида муваффақиятли намойишининг олдидан старт майдончасига айланиб қолган.

Ўзбекистон Республикаси ушбу кинофорумда фаол иштирок этиши ҳам аньана тусини олган. Ушбу ўн йиллик анжуманда Ўзбекистон кино усталаридан иборат эътиборли делегация иштирок этди. Улар киноанжуманга Ю.Розиқовнинг «Воиз», Ш.Маҳмудовнинг «Биринчи бекат», Д.Власовнинг «Бўлганича бўлди», К.Камоловнинг «Осмон остидаги йўл» ҳамда З.Мусоқовнинг «Ватан» номли асарларини тақдим этишди.

Форум ташкилотчилари, таниқли режиссёрлар ва кино танқидчиларининг фикр билдиришича, ҳозирги кунда ўзбек кино санъати гўё қайтадан туғилаётир. Ўзбек кино усталарининг фильмлари малакали мутахассис ва томошабинларнинг энг юқори баҳоларига сазовор бўлмоқдаки, бу кўп жиҳатдан миллий кино санъати давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани туфайли ҳамдир. Ўзбек кино усталари йил сайин пешма-пеш ижодий муваффақиятларни қўлга киритишаётгани ҳамманинг кўз ўнгида рўй бермоқда.

«Жаҳон» АА

Алоқа

МАҚСАД — МИЖОЗЛАРИМИЗГА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

ЮРТИМИЗДА БИРИНЧИ ТЕЛЕФОН КЎНҒИРОҒИ ЖИРИНГЛАГАНИГА ҲАМ БИР АСРДАН ОШМОҚДА. ШУ ВАҚТ ДАВОМИДА АЛОҚА ТИЗИМИНИНГ МИЖОЗЛАРИ УЧУН ХИЗМАТ СИФАТИ ТАКОМИЛЛАШИБ, ЗАМОН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА КУНДАН-КУНГА РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА. АНА ШУ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШ ҲАМДА МИЖОЗЛАРИМИЗДАН ТУШАЁТГАН САВОЛЛАРГА МУТАХАССИС ЖАВОБИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ФИЛИАЛИНИНГ ТЕХНИК МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЎРОҚ ТЎХТАЕВГА МУРОЖААТ ҚИЛДИК.



— Бугунги кунда ҳамшаҳарларимизнинг узоғини яқин, мушкулини енгил қилувчи беминнат хизмат кўрсатувчи телефон алоқасисиз ҳаётимизни тасаввур қилишимиз мушкул, — дея сўз бошлади Ўроқ Тўхтаев. — Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали ўз олдига шу яқин йиллар ичида тармоқдаги барча шундай турдаги телефон станцияларини рақамли телефон станцияларига алмаштиришни режалаштирган. Маълумки, бугунги кунда ахборот технологияларининг жуда тез суръатларда ривожланиши натижасида истеъмолчи томонидан сифатли ва юқори тезликка эга бўлган маълумотлар узатиш тармоғига талаб ўсиб бормоқда.

Истеъмолчиларнинг бу борадаги эҳтиёжини қондиришда Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали томонидан маълумотлар узатиш тармоғи ташкил этилиб, юқори тезликка эга бўлган Интернетга чиқиш имконияти яратилди.

Бундан кўзланган мақсад, албатта, маълум. У ҳам бўлса мижозларимизга юқори сифатли ва жаҳон андозаларига мос равишда хизмат кўрсатишдир.

Тармоқдаги асосий телефон станцияларидан ўттиз йилдан ортиқ вақтдан буён фойдаланиб келинмоқда. Уларни реконструкция қилиш, яъни қайта таъмирлашга эса анча маблағ сарфланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда ривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, 1996 йилдан бошлаб пойтахтимиздаги барча АТСлар рақамли тизимга ўтказилмоқда. Бугунги кунда шаҳримиздаги мавжуд телефон станцияларининг эллик фоизи рақамли телефон станцияларига алмаштирилди.

Тармоқдаги асосий муаммолардан бири — бу номаълум шахслар томонидан Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали йўналиши хўжалигида ўғирлик ва узилишлар ҳолатлари содир этилаётганлигидир. Бу эса мижозларга кўрсатилаётган алоқа хизмати сифатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шу каби муаммолар бизнинг энг оғир нуқтамиз десак, адашмаймиз. Юмшоқ қилиб айтганда, бундай нобоп ишлар асосан шаҳримизнинг Сергели, Учтепа, Чилонзор ва Собир Раҳимов туманларидаги кўп қаватли уйларнинг ертўла ёки чордоқларида содир этилади. Чунки баъзи жойларда ҳамон тўсиқларсиз кириб-чиқиш имконияти мавжуд, қолаверса жамоатчилик ҳам эътиборсиз бўлиб қолмоқда. Демоқчимизки, мижозларнинг ўзи ҳам бундай жумбоқли ҳолатларнинг олдини олиш борасида бизга ёрдам берсалар, ҳаракатимиз бироз енгиллашарди.

Ҳозирги кунда филиалда сифат назорати бўйича автоматлаштирилган тизим ва махсус лаборатория бўлинмалари ташкил этилган бўлиб, бу ерда малакали мутахассислар томонидан алоқа сифати бўйича доимий назорат ўрнатилган. Бу борадаги таҳлиллар натижаси асосида тегишли чора-тадбирлар ҳам амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, айни пайтда тармоқда қарийб 50 мингдан ортиқ мижозга жуфтлик схемаси асосида хизмат кўрсатилади. Уларнинг ҳар бирига алоҳида абонент линиясини тортиш жуда катта маблағ талаб этади. Мазкур долзарб масала бугунги кунда амалга оширилаётган тармоқни реконструкция қилиш ва кенгайтириш лойиҳалари доирасида ечимини топади, яъни телефон станцияларининг босқичма-босқич рақамлига ўтказилиши натижасида ҳал этилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, тармоқдаги шундай русумдаги телефон станциялари қурилмалари замон талабларига жавоб бермаслиги боис уларни замонавий технологиялар билан алмаштириш асосий масалалардан бири ҳисобланади. 2005 йил ва жорий йилнинг шу давригача бир нечта телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказилди. Бундан ташқари, реконструкция қилиниб, рақамли телефон станцияларига алмаштирилган 40, 41, 42, 43, 49-АТСлар ўз абонентларига жорий йилнинг май ойи якунларигача тўлиқ хизмат кўрсатишга киришади.

Тошкент шаҳри телекоммуникация тармоғини реконструкция ва модернизация қилиш орқали маълумотлар узатиш ва Интернет тармоғидан кенг фойдаланиш каби хизматларнинг ривожланишига катта замин яратиш, электр алоқа хизматини ошириш ҳамда тармоқдаги барча телефон станцияларини замонавий рақамли телефон станцияларига алмаштириш бўйича бошланган ишларни жорий йилда ниҳоясига етказиш мақсадида жадал суръатларда ишлар олиб борилмоқда.

Шаҳло ҲОШИМОВА ёзиб олди.

Иқтисодиёт

ЯНГИ МАҲСУЛОТ ЧИҚАРИЛМОҚДА

«ТЕЗИНТОМ» ЎЗБЕКИСТОН—ГЕРМАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН ЭДИ.

Айни пайтда эса тадбиркорларнинг изланишлари юксак самара бериб, корхона ҳозирги кунда қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш бўйича республикада илғорлар сафидан ўрин олган. Корхонада замонавий техника ва технологиялар асосида рақобатбардош ва чидамли девор ва шифтлар учун панеллар, бадиий безак қурилиш ашёлари ҳам тайёрланиб, бунёдкорлик майдонларида муваффақият билан қўлланилмоқда.

Бозор талабларидан келиб чиқиб иш юритаётган корхона мутасаддилари маҳсулотнинг бозоргир турларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, четдан келтириладиган товарлар ўрнини босадиган қурилиш ашёлари тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Шу боис ҳам яқинда корхонада яна бир янги цех ишга тушди. Йилига 260 тонна лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган ушбу цехда ички бозор учун керакли бўлган маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди. Энг аввало ушбу бўёқлар корхонада тайёрланаётган металл черепицалар учун қўлланилиб, бу маҳсулот таннархини туширишда, янги буюртмачиларни жалб этишда, бунёдкорлик кўламини оширишда, иншоотлар кўркини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Шуниси эътиборлики, корхонада тайёрланаётган турли рангдаги бўёқлар фақатгина металл ёки ёғочни бўяшда ишлатилмасдан, балки биноларнинг ички пардоз ишларида ҳам кенг қўлланилади. Тадбиркорларнинг асосий мақсади замонавий технология ва энг илғор техник линиялар қувватидан унумли фойдаланиб сифатга алоҳида эътибор қаратишдир. Сифат асосий мезон бўлган жойда эса ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидори ортиб бораверади.

(Ўз мухбиримиз)

ТАДБИРКОР





Интилганга толе ёр

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА ҲАМ ХАРИДОРЛАРИ БОР

БЕЖИЗГА «ИНСОН ҚЎЛИ ГУЛ, У ҲАҚИҚИЙ МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТАДИ», ДЕБ ТАЪКИДЛАМАЙМИЗ. ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «SHER-AZ TEXNO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАДБИРКОРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН ЧИННИ ВА СОПОЛ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎРИБ, БУНГА ЯНА БИР БОР АМИН БЎЛАСИЗ.

Нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимиз вилоятлари бўйича ўз харидорларига эга бўлган корхона маҳсулотларига эндиликда қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Шу боис ҳам сифат ва рақобатбардошликка алоҳида эътибор қаратаётган, маҳсулот турларини ой сайин кўпайтираётган тадбиркорлар эндиликда Ҳамдўстлик давлатларида ҳам ўз фирма дўконларини очишга саъй-ҳаракат қилмоқда.

Бундан ўн йил аввал ака-ука Азамат ва Шерзод Абдуллаевлар ўз сармоялари ҳисобидан тадбиркорликни бошлаб, 7 кишини иш билан таъминлаган эди. Керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхона маҳсулотларига секин-аста қизиқиш кучайиб, буюртмалар туша бошлади. Уларнинг ўз вақтида адо этилиши, бозор талабларидан келиб чиқиб маҳсулотлар турларининг кўпайиши, асосийси эса тадбиркорларнинг тинимсиз изланишлари ривожланиш омили бўлди. Натижада харидорлар сафи ортиб, ишлаб чиқариш кенгайди, фирма дўкони очилди.

Ҳозирги кунда жамоада 30 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари эса 200 хилдан ортиб кетди. Улар орасида рўзғорда асқотадиган чойнак-пиёладан тортиб, гултуваклар, турли ошхона жиҳозлари, гулдонлар, ранг-баранг — миллий қадриятларимиз акс этган эсдалик совғаларигача бор. Энг асосийси эса улар бир-бирини такрорламайди, безаклари хилма-хил. Албатта, бу уста рассомларнинг маҳоратидан далолатдир.

— Тадбиркор чинакамига изланса, албатта натижаси самарали бўлади,—дейди корхона раҳбари Азамат Абдуллаев. —Биз буни ўз фаолиятимизда яққол кўраяпмиз. Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган қатор имтиёзлар, рағбат ва кафолатлар бизни мамнун этмоқда. Айниқса, ўтган йилда Президентимизнинг тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, ортиқча ҳужжатбозликларни, текширувларни қисқартириш, ноқонуний текширувларга чек қўйиш мақсадидаги бир қанча Фармон ва Қарорлари ишимизда ниҳоятда қўл келмоқда. Улар билан танишиб ўзимизга ишончимиз ортди, мамлакат равнақида муносиб улушимиз борлигини англадик. Бу бизнинг эркин фаолият кўрсатишимизда, ривожланиш сари дадил одимлашимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фаолиятининг илк даврида корхонада йилига 10-15 миллион сўмлик маҳсулот харидорларга етказиб берилган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам 80 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этмоқда. Шуниси эътиборлики, изланишлар самара бериб корхона илғорлар, ташаббускорлар қаторидан ўрин олди. «Ташаббус—2006» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичида тадбиркор раҳбар Азамат Абдуллаев «Энг яхши тадбиркор» номини қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллади. Уларнинг асосий мақсади эса жорий йилда маҳсулот экспортини йўлга қўйишдир. Бунинг учун қўшни давлатлар бозори ўрганилмоқда. Зеро харидор талаби, дид ва эҳтиёжи асосида иш юритиш корхона истиқболида муҳим ўрин тутишини англашмоқда.



Шарофат БАҲРОМОВА

СУРАТЛАРДА: тайёр маҳсулотлар; расском Барно Саидованинг маҳорати маҳсулотларда акс этмоқда; маҳсулотларни куритишда Шерзод Сатторовнинг ҳиссаси катта.

Таълим

АКАДЕМИЯ — ЎН ЁШДА

ЎЗБЕКИСТОН БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ 1996 ЙИЛ МАЙ ОЙИДА РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭДИ.

Марказий Осиёда ягона бўлган бу нуфузли олий ўқув юрти банк-молия тизими учун етук ўрта ва юқори даражадаги раҳбар кадрларни тайёрлаш билан шуғулланиб келмоқда.

Ўқув жараёни давомида ўз билим ва малакасини оширишга эришган тингловчилардан талайгинаси магистрлик даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилдилар. Кўплаб ёшлар эса ривожланган мамлакатларда бўлиб, банк, молия ва солиқ соҳалари бўйича тажриба орттириб қайтдилар.

Академия ўзининг ўн йиллик санасини муносиб кутиб олди. Унинг ўн йиллик фаолиятига бағишлаб илмий конференция ўтказиш тараддуди кўрилмоқда.

ЭНГ ЯХШИ ТАДҚИҚОТЧИЛАР МУКОФОТЛАНДИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТМОҚДА. ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРДА НАМУНА БЎЛАЁТГАН ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҲАМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Васийлик Кенгаши жамғармаси ҳисобидан диссертация муаллифлари ва раҳбарларини рағбатлантириш ҳамда тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида Низом қабул қилиниши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Ана шу ҳужжат асосида олий ўқув юртининг қатор диссертантлари муносиб тақдирландилар. Мукофот пули билан рағбатлантирилган самарали изланувчилар орасида «Ахборот технологиялари», «Электроника ва схематехника», «Маркетинг ва менежмент» кафедралари вакиллари ҳам бор.

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР — ИЗЛАНИШДА

МАМЛАКАТИМИЗ ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЛМИЙ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШДА ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ҲАМ ИШТИРОКИ КАТТА БЎЛМОҚДА. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ ДАСТУРИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДҚИҚОТЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН КЎПЛАБ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ЖАЛБ ЭТИЛГАНЛИГИ БУНГА ЁРҚИН МИСОЛ БЎЛА ОЛАДИ.

Бундай изланишлар самаралари уларнинг илмий чиқишларида ўз ифодасини топаётганини мамнуният билан айтиб ўтиш жоиздир. «Авиакорхоналарда муваффақиятли маркетинг стратегиясини юритиш», «ИЛ-86» йўловчи ташиш самолётини юк ташиш самолётига модернизациялашнинг иқтисодий асослари», «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида юк самолётларини ишлаб чиқариш тарихи» деб номланган илмий ишлар олий ўқув юртида ўтказилган илмий анжуманда юқори баҳо олди.

Акбар АЛИЕВ

Бокс

ЧАГАЕВ КУЧЛИЛАР САФИДА

АВСТРАЛИЯНИНГ МЕЛЬБУРН ШАҲРИДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА СУПЕРОҒИР ВАЗНЛИ ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ ЎРТАСИДА «SUPERFLGHTER» ШОУСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН БЎЛДИ.

Шуниси эътиборлики, 8 июль куни уюштириладиган ушбу турнирда Майк Тайсон, Леннокс Люис сингари бокс юлдузларининг ҳам қатнашиш эҳтимоли бор. Дарвоқе, қувонч билан таъкидлаш лозимки, ушбу турнирга профессионал боксниг рейтинг жангларида ажойиб ғалабаларни қайд этиб мутахассислару мухлисларнинг эътирофига сазовор бўлиб келаётган ҳамюртимиз Руслан Чагаев ҳам таклиф этилган. Бундан беш йил муқаддам профессионал боксда ўз омадини синаб кўришга ахд қилган Руслан шу кунгача 21 марта жанг ўтказиб, йигирма маротаба рақиблари устидан ғалаба қозонган, шу жангларнинг 16 тасини муддатидан аввал якунлаган, фақат биттагина беллашувда дуранг натижани қайд этган. Биз кўп минг сонли мухлислар номидан Руслан Чагаевга ушбу турнирда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

АЖОЙИБ ҒАЛАБА

МОСКВА ШАҲРИДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ЕНГИЛ ВАЗНЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН РЕЙТИНГ ЖАНГЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАСИ ҚУВОНЧБЕК ТОЙҒАНБОЕВГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Белоруссиялик Игорь Филоновга қарши рингга кўтарилган Қувончбек маҳорат бобида рақибидан анча устун эканлигини исботлади. Ҳамюртимиз томонидан берилган кетмакет зарбалар Игорь Филоновни оғир аҳволга солиб қўйди ва учрашув тўртинчи раунддаёқ Қувончбек Тойғанбоевнинг ажойиб ғалабаси билан якунланди.

ҒОЛИБЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА 1991-1999 ЙИЛЛАРДА ТУҒИЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН БОКС БЎЙИЧА МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНИГА ЕТДИ.

Жиззах Олимпия заҳиралари коллежи рингларида уюштирилган ушбу беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 284 нафар ёш чарм қўлқоп усталари 16 вазн тоифасида ғолиб бўлиш учун ўзаро беллашди. Шиддатли курашларга бой, муросасиз кечган жанглар якунида беш вазн тоифасида андижонлик ёшлар, уч вазнда фарғоналиклар, наманганликлар, икки вазн тоифасида жиззахликлар чемпионликни қўлга киритишган бўлишса, Тошкент вилоятидан Ф.Ғойибназаров ҳамда шаҳримиздан З.Ибрагимовларга ҳам ўз вазнлари тоифасида мамлакат чемпиони бўлиш насиб этди.

Мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Фармон ва ижро

САМАРА БЕРИШИ АНИҚ

ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ, ТАДБИРКОРЛАР САФИНИНГ КЕНГАЙИБ БОРИШИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РАВНАҚИДА, ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШИ, МУҲИМ ҲИССА БЎЛИШИ, ШУБҲАСИЗ. ШУ БОИС ҲАМ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ШАРОФАТИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛДИ.

Буни кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан соҳа ривожига қаратилаётган юксак эътибор, айниқса, Президентимизнинг ўтган йилдаги қатор Фармон ва Қарорлари яққол исботлаб турибди. Ушбу муҳим ҳужжатлардаги имтиёз ва кафолатлар тадбиркорларимизни руҳлантириб, янги-янги интилишларга ундаётгани, шубҳасиз. Шу ўринда Юртбошимизнинг 2005 йил 5 сентябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган жадал жараёнларнинг мантиқий давоми бўлди, тадбиркорларимизни ниҳоятда қувонтирди, десак янглишмаймиз.

—Юқоридаги Фармоннинг аҳамияти шундан иборатки, — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг С.Раҳимов тумани ахборот-маслаҳат маркази раҳбари, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг С.Раҳимов туман комиссияси негизидаги жамоатчилик кенгаши раиси Адиба Каримова,— унда тадбиркорлик субъектларини текшириш тизимини тубдан ўзгартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришга эътибор қаратилганлигидир. Фармонда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти ҳар тўрт йилда бир марта текширишдан ўтказилиши қайд этилган. Шунингдек, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликларининг молия хўжалиги фаолиятлари давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текширилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Ана шу Фармон ижросини таъминлашда жамоатчилик кенгашимиз 2006 йилнинг 1-чорагида туман ҳудудий комиссияси ишлаб чиққан дастур асосида иш олиб бормоқда. Ҳудудий комиссия иш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил топган жамоатчилик кенгаши тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, улар билан учрашувларда ҳамда жойларга ўрнатилган «Ишонч қутилари»га келиб тушаётган ариза ва фикр-мулоҳазаларни ўрганишга, назорат органлари текширувлари мониторингини ўтказишга, уларни ҳудудий комиссияга олиб чиқишга, биргаликда муҳокама этишга эътибор қаратмоқда. Шунингдек, кичик ва хусусий бизнес вакилларининг иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув семинарлари ташкил этилмоқда. Уларда туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар иштирокини оширишга эришилмоқда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, юқоридаги Фармон ижроси таъминланиши юзасидан жамоатчилик кенгаши туман ёнғин хавфсизлиги бўлимининг ҳисоботларини кўриб чиқиб, қарорлар қабул қилди. Тадбиркорлик субъектлари устидан назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширувлар натижаси бўйича ижтимоий сўровлар тарқатилди. Хусусан, тадбиркор Ҳасан Аҳмедовнинг мурожаати ўрганилиб, унинг фаолиятига тўсқинлик қилаётган ҳоллар аниқланди. Унга хусусий маслаҳатлар берилиб, Қонун ҳужжатлари ва барча йўриқномалар билан таъминлангани тўсиқларга барҳам берди. Айтиб ўтиш лозимки, жамоатчилик кенгашимизда ишонч телефони ҳам ишлаб турибди, унга қўнғироқ қилган тадбиркорлар текширувлар ҳақидаги маълумотлар билан ҳам таъминланади.

Сирасини айтганда бугунги кунда тадбиркорларимизнинг катта кучга айланиши, иқтисодиётимиз таянчи бўлишларига эришиш учун жамоатчилик кенгашимиз уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Энг аввало фаолиятимиз назорат органлари текширувлари юзасидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга қаратилган. Шу ўринда айтиш керакки, тадбиркорликка оид юқоридаги ва ўтган йилда чиқарилган Қарор ва Фармонлар, шубҳасиз тадбиркорларимизга қанот бағишлади, ўз ишларига ишончини орттирди. Ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш долзарб вазифа саналиб, бу шубҳасиз, тадбиркорлар олдидаги тўсиқларни бартараф этиб, барқарор фаолият юритишларида муҳим аҳамиятга эга. Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг кўпчилиги тадбиркор бўлганликлари боис ҳам шундай эзгу ишга бош қўшаётганидан мамнун. Тадбиркорлар билан ҳамкорликдаги ҳаракатимиз албатта самара беришига аминмиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

Сўранг, жавоб берамиз

ҚАНДАЙ ҚОИДАЛАРИ БОР?

Мен бизнес қилишни пул топиш деб тушунаман. Ана шу пул топиш ва уни асрашда қандай қоидаларга риоя қилинса, бизнес муваффақиятли бўлади?

Нодира Зайниева,
С. Раҳимов тумани.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики бизнес соҳасининг ҳам ўзига яраша талаб ва машаққатлари бўлиб, бу борада ҳеч ким ўзини ҳар томонлама билимли мутахассисман, дея олмайди. Ҳа бир инсон у ёки бу масалада хатога йўл қўйиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун бизнесда мутлақ ишончли тушунча йўқ. Унда ҳар бир одам ўз ташвишида елиб-югуради. Лекин шунга қарамасдан мавҳум қоидаларга амал қилиниб, улар сармояга эга бўлган тадбиркорларга мўлжалланган.

Ушбу қоидаларга вақтида амал қилсангиз, албатта ўз муваффақиятингизни таъминлашда замин яратган бўласиз. Яъни пулни ўзингиз билган нарсагагина қўйинг. Таъсирларга берилмай, режалар ҳисобига эмас, мулк ҳисобига пул қилинг. Сотиш мумкин бўлган нарсаларга пул сарфлашга одатланинг ва ўз фойдангизни олинг. Энг муҳими, банкирингизнинг сўзларига қулоқ солинг, нархлар арзонлигида сотиб олиб, қиммат бўлганда сотинг. Пулингизнинг ҳар доим айланиб туришини таъминлаган ҳолда қанча пул қўйиш мумкин бўлса, шунча қарз кўтаринг. Тадбиркорга, бизнесменга манманлик ярашмайди, шу боис манманлик учун эмас, ишингиз ривожини таъминлаш учун қарз олинг. Лекин ҳеч қачон қарз берманг. Пулингизни бутун бошли тармоққа қўйиб, нархнинг тебранишини кузатиб боринг.

Ушбу қоидалар бизнес оламида машҳур назариётчи ва амалиётчи Герберт Ньютон Кессоннинг «Пулдорлик санъати» китобида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган ва тажрибада исботини топган.

Бўш вақтингизда

ҚОБИЛИЯТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Бировнинг сирини эшитиш эмас, балки сақлай билиш энг инсоний фазилатлардан саналади. Баъзан тадбиркорлик соҳасида ҳам сир сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Қуйидаги тест синовларига берган ҳаққоний жавобларингиз, сизнинг сир сақлай олишингиз ёки бунинг уддасидан чиқа олмаслигингизни яққол кўрсатади.

1.Янги гилам сотиб олиш ниятидасиз. Мавжуд уч хил рангдаги гиламдан қайси бирини танлайсиз?

А)қизил (6);
Б)ҳаворанг (2);
В)сариқ (5).

2.Меҳмонга таклиф этишса, қандай кийим киясиз?

А) оқ кўйлак ва қора шим (юбка) (3);
Б) оддий тоза кийим (2);
В) дабдабали тунги костюм (1).

3.Тасодифан узоқ йиллар кўрмаган яқин танишингизни кўриб қолсангиз, ўзингизни қандай тутардингиз?

А) қучоқ очиб кўришаман (4);
Б) у эканлигига иккиланиб эътиборсиз сўрашиб қўяман (1);
В) жилмайиб қўл чўзаман (3).

4. Кечқурун телевизор кўриб ўтирганингизда қўшнингизнинг уйидан жанжал, бақириқ овозлари эшитилса қандай йўл тутасиз?

А) бирор фожиа рўй бермаслиги учун уникига югуриб чиқаман (5);
Б) телевизорни ўчираманда, секин қўшниникига қулоқ тутаман (6);
В) эътибор бермай, телевизор кўришда давом этаман (3).

5. Меҳмонга борганингизда сизга бир киши маъқул келиб қолди. Унга қандай муомалада бўласиз?

А) танишиб кино ва видео ҳақида суҳбатлашардим (6);
Б) қизиқтирган нарсаларини сўраб билардим (8);
В) ўз-ўзидан сўзлашиб, у қайси томонга йўналишини кутардим (4).

6. Ортиқча вазнингиздан ташвишга тушасизми?

А) ҳа, иштаҳам жойида (7);
В) озиш учун баъзи кунлари оч юраман (6);
В) ҳеч қачон (3).

7. Яқинларингиздан бири туғилган кунингизга сизга совға бериб, байрам куни очишни сўради. Нима қиласиз?

А) дарров совғани очиб кўраман (7);
В) озгина очиб, нима эканлигини билиб оламан (5);
В) туғилган кунимни кутаман (4).

Энди натижалар билан танишиб кўйинг:

25 БАЛЛ. Сиз ўз қобиғингизга ўралган одамсиз. Кўп одамлар сиз билан тил топишишни хушласа ҳам сир сақлаш инсон учун энг яхши фазилат деб ўйлайсиз. Сизни совуққон ва беҳафсала деб ўйлашади, чунки ўз ишингиз ҳақида кам гапирасиз. Аслида ундай эмас, дўстлар учун вақт топа оласиз, маслаҳатингиз ва кулгунгизни аямайсиз.

26-35 БАЛЛ. Сизни очиқ кўнгилли деса бўлади. Ўз хатоларингизни қўрқмай гапирасиз. Агарда дўст ва танишларингиз устида гап кетса жим тура олмайсиз. Кўп гапиришни яхши кўрсангиз ҳам сир сақлай биласиз.

36 ВА УНДАН ЮҚОРИ БАЛЛ. Сиз жамиятнинг севимли аъзосисиз. Ҳамма вақт қизиқарли ва кулгили, атрофдагиларни жалб эта оладиган нарсалар хусусида гапирасиз. Бирор ғийбат чиқса, унинг ёлғонлиги ҳақида дўстларингизга етказасиз. Шу боис ҳам улар сизга ишонишиб, ҳар қандай сирни айтишади.

Ўз=ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Тутиб соҳибсуханлар, эй халойиқ,
Сўз айтур ҳар ким ўз ҳолига лойиқ.

САЙҚАЛИЙ

Тилим тинч бўлса, дилимда ўкинч бўлмайди.
Эй тилим, жим ётгин, дилим тиғлама,
Мени ўтга ёқиб, ўзинг йиғлама!

Сергаплик ўз душманингдир, чунки у сенинг айбларингни ошкор этади, душманингни эса жойидан қўзғатади.

«ОТАЛАР сўзи»

Кушодрўй ўлубон, айлағил тилингни чучук,
Агар десанг бўлгайки олам ичра сарвари нос.

Шавқий КАТТАҚЎРҒОНИЙ

ҲИКОЯТ. Сўзлари адаб гавҳарининг тожи, ўзи араб ҳакимларининг устоди бўлган Собит ибн Қуррадан қуйидаги ҳикматларни нақл қиладилар: «Жисм роҳати овқатнинг озида, руҳ роҳати кам ейишда, тил роҳати кам гапиришда!» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтирмоқ зиёнга йўл қўймоқ ва маломатга қолмоқдир».

Агар кўрсанг йўлда кўру чохдир,
Агар хомуш ўтирсанг зўр гуноҳдир!

Байт:

Агарчи жим ўтирмоқ хирадманд
наздида хушдир,
Валекин маслаҳат пайтида хуш бўлғай
фикр айтмоқ.
Билиб қўй, икки пайтда жим ўтирмоқ
бефахмликдир,

Керак пайтда сўз айтмай, нокерак пайтда дам урмоқ! Яъни жим турмоқ пайтида сўзламоқ оқибатни ўйлаб иш тутувчилар учун нолойиқ ишдир. Шунингдек, гапириш лозим бўлган вақтда индамай турмоқ оқил кишилар наздида номувофиқдир.

Ақлу тадбир билан ўйлаб қарадим,
Сергап бўлса ҳар ким доим хор экан.
Айтмагайман лобу кўзин юм доим,
Аммо ҳар бирининг жойи бор экан.

Ибн КАМОЛПОШШО

Сўздур бу жаҳонаро қулзуми жарф,
Покиза маони ангадур дурри шингарф,
Бу баҳр топар кўнгуларо гунжойиш,
Лекин анга ҳар кўнгул бўла олмас зарф.

ОГАҲИЙ

Сўзаро бўлдим ниҳон хушбўй гуллар баргидек,
Кимки кўрмоқ истаса сўз ичра шон кўрса мени.

ЗЕБУННИСО

Сенга бор эса билурдин мазоқ,
Узум сари боқма, сўзум сари боқ.

НАВОИЙ

Андиша бирла сўз деким, пухтани,
Ташларлар эл оғзига олмай хом, деб.

МУНИС

Бузургмеҳрдан сўрадилар: «Эй ҳаким, киши учун энг яхши нарса нима?» Айтди: «Жим турмоқ, беҳуда сўзларни айтишдан кўра йиндамай турмоқ!» Яна сўрадилар: «Агар у ҳам бўлмаса-чи?» Айтди: «Агар у бўлмаса киши учун адаб яхшидир!» Яна сўрадилар: «Агар у ҳам бўлмаса-чи?» Айтди: «Ёқимли хулқ, одамлар билан очиқ юзли бўлиш, дўсту душман билан муроса қилиш!» Яна сўрадилар: «Бу хислатлар ҳам бўлмаса-чи?» «У пайтда одамнинг ўлгани яхши»

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

ҲИКОЯ. Бир ёлғончи ва беҳуда сўзловчи киши лоф кўчасига кириб, дерди:

«Мажастий» бирла «Уқлидус» билурман,
Бу фан бобида юзни мот қилурман!

Замона саҳифасида ва замину осмон теграсида, умуман, эл орасида, нимаики бўлса, менинг кўзларимга равшан ва аёндир!

Унинг беҳуда сўзлигидан ва паришон аҳволидан воқиф бир доно деди: «Кўп баланду пастга учма, ёлғончилик кўйига тушма, узоққа бормай айт-чи, иягингдаги соқолинг толаси нечта?» Байт:

Беҳуда сўзларни гапирса киши,
Гапидан ортади бошда ташвиши!

Сўзунг дурру жавоҳирдур кўнгуллар ганжина лойиқ.

Сайфи САРОЙИ

Кўп гапиришдан сақлан, чунки кўп гапирсанг, яширин сирларинг ва айбларинг ўз-ўзидан очилиб қолади, жим ётган душманларинг эса хатойингдан фойдаланиб қоладилар!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Ҳар киши ўз таъбича иншо қилур,
Маънилик сўз эл аро пайдо қилур.

НИШОТИЙ

Жаҳонда: «Тил югуриги бошга, қўл югуриги ошга» деган мақол юради. Наштар жароҳатидан тил жароҳати оғирроқдир. Найза захмидан кўп ўтмай, бадан бўстони гулистонга айланиб олади ва ундан жону молга завол камдир. Байт:

Ҳасса зарби узоқ турмайин кетар,
Тилдан етган зарба бир умрга етар!

Ибн КАМОЛПОШШО

Эй ўғил, пандимга қилғил илтифот,
Сўзли кам, шундан етар сенга нажот.
Ғийбату ёлғондан авлодур сукут,
Лақмадир аблаҳ, буни ёдда тут!
Кўп гапирмоқдан баданда қалб сўлар,
Гарчи сўз дурри Адандан хуш бўлар.
Кимки сўзлашда фасоҳатлар қилур,
Чеҳраи дилни жароҳатлар қилур.
Тилни оғиз ичра маҳбус айлагин,
Тут бу зиндон ичра маъюс айлагин.
Кимки ўз айбини кўрмоққа шошар,
Танидан жон қуввати доим ошар!

Фаридиддин АТТОР

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган







Саломатлик — туман бойлик

ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ СПОРТ БАЙРАМИ

БАЪЗИЛАР СПОРТ БИЛАН ФАҚАТ ЁШЛАР ШУҒУЛЛАНИШЛАРИ КЕРАК, ДЕБ КАТТА ХАТО ҚИЛИШАДИ. СПОРТ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ КАТТА ЁШДАГИЛАР УЧУН ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ЗЕРО, ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ ИНСОННИНГ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ УНУМЛИ, ИШИДА БАРАКА БЎЛИШИ СИР ЭМАС.

Ушбу оддий ҳақиқатни яхши тушунган Тошкент Тиббиёт академияси ташкил этилганидан буён мазкур гўшада саломатликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар, спорт мусобақалари тез-тез ўтказиб келинмоқда.

Куни кеча шаҳримиздаги байрамона бешиш, «Истиқлол» стадионида Тошкент Тиббиёт академияси томонидан яна бир ўзига хос тадбир — спорт байрами ташкил этилди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда саломатлик посбонларининг намунавий шифокор сифатида фаолият кўрсатишларини назарда тутган ҳолда ўтказилган мазкур тадбирда Тиббиёт академиясининг барча профессор-ўқитувчилари, ходимлари, 1, 2, 3-клиника шифокорлари, академиянинг Урганч, Фарғона филиаллари, Собир Раҳимов туман ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимликлари ходимлари фаол иштирок этишди.

— Спорт байрамига тайёргарликни бир ой илгари бошлаган эдик, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент Тиббиёт академияси ректори, академик Шавкат Каримов. — Бу йўлдаги биринчи қадамимиз — бир ярим минг кишилик жамоамизнинг саломатлигини текшириб, уларнинг соғлиқларига қараб, спорт меъёрларини бажаришлари учун имконият яратдик. Натижа ёмон бўлмади. Хасталиклари аниқланган айрим ходимларимизни даволаймиз. Соғломлари эса ўзлари хоҳлаган спорт тўгаракларига қатнашиб, имкониятларини синаб кўришди. Бугун жамоамизнинг мингдан ортиқ аъзолари ёшидан қатъи назар тадбирда иштирок этишмоқда. Мақсадимиз шуки, Тиббиёт академиясининг барча профессор-ўқитувчилари, шифокорлари соғлом бўлиб, саломатлик учун курашда ўзлари намуна бўлишсин. Шу сабабдан ўтказаётган тадбиримиз нафақат спорт байрами, балки саломатлик байрами сифатида ҳам биз учун қадрлидир.

Кўп сонли саломатлик ихлосмандлари иштирокидаги тадбир ҳақиқатан ҳам жуда қизиқарли ўтиб, иштирокчилар югуриш эстафетаси, оилавий югуриш эстафетаси, мини-футбол, волейбол, баскетбол баҳсларида ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Энг муҳими, мусобақалар профессионал спортчилар меъёрлари асосида ўтказилди.

Мусобақаларда фаол қатнашган кардиолог Абдураҳмон Халиловнинг айтишича, киши тез-тез югуришни машқ қилиб, мунтазам шуғулланса, инфаркт касаллигидан тобора узоқлашиб борар экан.

Шундай қилиб, қизиқарли ва ҳаяжонли баҳслар якунига етиб, ғолиблар аниқланди. Оилавий югуриш эстафетасида Тиббиёт академиясининг Урганч филиали жамоаси ғолиб чиққан бўлса, мини-футбол бўйича мусобақалар жуда муросасиз кечди. Финал баҳсида I ва II клиника шифокорлари жамоалари ўзаро баҳс юритиб, ўйин дуранг натижа билан якунланганлиги сабабли, ҳар иккала командага биринчи ўрин насиб этди.

Югуриш эстафетаси бўйича II клиника шифокорлари зафар қучдилар. Спорт байрами якунида Тиббиёт академиясининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Шерзод Зокирхўжаев барча номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорларга совғаларни топширди.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент Тиббиёт академияси томонидан ташкил этилган спорт байрами барча жамоалар, олий ўқув юртлари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар учун ибратли тадбирдир. Зеро, ўз ходимларининг саломатлиги йўлида жон куйдириб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса олдидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: «Истиқлол» стадионида бўлиб ўтган спорт байрамидан лавҳалар.

МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ҲАР БИР СОҲА ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДА ТУРЛИ ХИЛ СПОРТ ТАДБИРЛАРИ УЮШТИРИШ ОДАТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.

Стол тенниси

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Куни кеча оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида шаҳримизда стол тенниси бўйича ўтказилган спорт мусобақалари Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланди. Ўзбекистон телерадиокомпанияси, газета-журналларда фаолият юритаётган журналистлар ўртасида уюштирилган мусобақа муросасиз, кескин ва шиддатли курашларга бой кечди. Байрамона руҳда кечган мусобақалар якунида эса рақибларидан маҳорат бобида устунлик қилган Ўзбекистон телерадиокомпанияси вакили Рустам Жуманов биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Шунингдек, турнир мутасаддилари ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этишди.

(Ўз мухбиримиз)

ЁШ ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Германиянинг Галле шаҳрида «Чемистер кап» — бокс бўйича ўсмирлар ўртасида 34-халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Уни мутахассислар «мўъжаз жаҳон чемпионати», деб ҳам аташади. Мусобақаларда Австралия, Болгария, Венгрия, Германия, Ирландия, Қозоғистон, Литва, Монголия, Польша, Россия, Украина, Чехия ҳамда Ўзбекистон вакилларидан иборат жами юздан зиёд ёш боксчи иштирок этди.

Ушбу халқаро спорт тадбири Германия бокс федерацияси, Галле шаҳар маъмурияти ва спорт жамғармаси, «Maritim hotel Halle» меҳмонхонаси, «Lotto Sachsen-Anhalt GbmH» компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бокс бўйича ўсмирлар терма жамоаси вакиллари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Ш.Худойбердиев шогирдлари — Қ.Қосимов, Ж.Сувонқулов, ўтган йилги жаҳон чемпионати кумуш медалининг соҳиби Д.Маҳмудов, Р.Худойназаров, Э.Расулов ҳамда Р.Саитов мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Қозоғистон, Украина, Польша, Болгария, Германия ҳамда Монголия вакилларини мағлубиятга учратган ҳолда Ж.Сувонқулов ҳамда Э.Расулов мусобақанинг финал босқичига йўлланма олишга муваффақ бўлди.

Айтиш жоизки, юртдошимиз Ж.Сувонқулов ярим финал жангида ўнг кўзидан жароҳат олган эди. Шунга қарамай, у финалда украиналик А.Ключко устидан ғалаба қозониб, мусобақанинг олтин нишонига сазовор бўлди. Яна бир боксчимиз Э.Расулов кумуш нишон соҳиби бўлди.

— Кейинги йилларда ўзбекистонлик боксчилар Германияда ўтказилаётган турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда, — деди «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Германия бокс федерацияси президенти Х.Ранце. – Юртингиз боксчилари ўз маҳорати билан Германияда донг таратиб улгурган. «Чемистер кап» анъанавий халқаро турнири А.Григорян, Р.Чагаев, М.Абдуллаев ва ўзбек бокс мактабининг бошқа вакиллари машҳур бўлган профессионал рингга элтувчи ўзига хос трамплин ҳисобланади.

Германия терма жамоаси бош мураббийи В.Бледнев ҳам юртимиз спортчиларининг тайёргарлигини юқори баҳолаган ҳолда Ўзбекистон жаҳон миқёсидаги боксчилар етиштириб бераётган мамлакатга айланаётганини таъкидлади.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ, «Жаҳон АА» мухбири Берлин

«02»: ҲОДИСАЛАР

● Чилонзор туманида кеч соат 23.50 да, шу туманда яшовчи уй бекаси 21 ёшли Малика, унинг уйига Наманган вилоятидан меҳмонга келган 29 ёшли Умида ҳамда ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган, Тошкент вилоятида яшовчи 19 ёшли Ҳамид билан ўзаро тил бириктириб, Фарғона вилоятидан Тошкент шаҳрига келган 30 ёшли Бойметов ва 17 ёшли Қурбоналиевларни тўхтатиб, уларни ошхона пичоғи билан қўрқитиб ёнидаги 531.000 сўм пулларини тортиб олиб, қочиб кетишган. Жабрланувчилар тезда навбатчилик бўлимига хабар қилгач, кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида жиноят- қидирув хизмати ходимлари томонидан гумонланувчи Малика, Умида ва Ҳамид исмли шахслар ушланди. Ушланганларнинг ҳисобида шунга ўхшаш яна қанча жиноятлар борлигини олиб борилаётган тергов жараёни аниқлайди.

● Юнусобод туманида соат 15.00 да, шу туманда яшовчи опа-сингиллар ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган 16 ёшли Манзура ва 12 ёшли Малоҳатлар, автобус бекати ёнида жойлашган ёйма бозорчада, 46 ёшли уй бекаси фуқаро Нурметованинг қўлидаги сумкаси ичидан 100.000 сўм пулини ўғирлаб кетишаётганида, буни ўз вақтида сезиб қолган. Нурметова дарҳол улар ҳақида шу ерда назоратни олиб бораётган пост-патрул хизмати ходимларига хабар берган. Ходимлар опа-сингилларни далилий ашё билан ушлаб ички ишлар бўлимига олиб келишди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

● Чилонзор туманида кеч соат 22.00 да шу туманда яшовчи бирон фойдали иш билан шуғулланишни хоҳламайдиган 17 ёшли Тимур исмли шахс дераза панжарасини синдириш йўли билан фуқаро Халиловнинг уйига кириб у ердан 100.000 сўмлик гиламини ўғирлаб кетаётганида уни кўриб қолган пост-патрул хизмати ходимлари ушлаб ички ишлар бўлимига олиб боришди.

● Чилонзор туманидаги кўп қаватли уйлардан бирининг ертўласида жойлашган компьютер ўйинлари хонасига тунги соат 01.00 да шу туманда яшовчилар 19 ёшли Виктор ва 16 ёшли Умид исмли йигитлар, шу ерда қоровул бўлиб ишлаётган 17 ёшли Неъмат исмли танишининг олдига келиб, уни гап билан чалғитиб, «демидрол» дориси солинган «кола» ичимлигини ичириб, ухлатиб, оёқ-қўлини боғлаб, шу ердаги 1.300.000 сўмни ташкил қиладиган компьютер эҳтиёт қисмларини олиб, қочиб кетишган. Эртаси куни ушбу ҳодисадан хабар топган компьютер ўйинлари хонаси ходимлари дарҳол ички ишлар бўлимига мурожаат этишган. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари ўз самарасини берди. Ушбу жиноятни содир қилган йигитлар далилий ашёлар билан ҳибсга олиндилар.

● Учтепа туманида соат 17.45 да Андижон вилоятида яшовчи 20 ёшли Анвар Хоразм вилоятидан Тошкент шаҳрига қариндошиникига меҳмонга келган 20 ёшли Дилбарни куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, унга пичоқ ўқталиб, бўйнидаги 150.000 сўмлик тилла занжирини тортиб олиб, қочиб кетган. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида гумонланувчи Анвар далилий ашё билан қўлга олинди.

● Қидирувда бўлган, Миробод туманида яшовчи ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган 16 ёшли Олег исмли ўсмир навбатдаги жинояти устида, яъни телефон кабель симларини кесиб олиб ўғирлаб кетаётганида ички ишлар ходимлари томонидан далилий ашё билан ушланди.

● Яккасарой туманида яшовчи фуқаро Тожибоев ҳамда унинг таниши фуқаро Раҳимовалар ўзаро тил бириктириб, Бухоро вилоятида яшовчи тадбиркор Нурметованинг турмуш ўртоғини «Чет элга ишга юборамиз» деб алдаб, 7500 АҚШ долларини олиб, қайтариб беришмаган. Ҳозирда фуқаро Тожибоев ва Раҳимоваларга нисбатан тегишли чора кўрилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Юлдуз АШИРОВА, майор, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори

Мунажжим башорати

УЙЛАРИНГИЗНИ САРИШТА ҚИЛИНГ

5 МАЙ, ЖУМА

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪКИДИГА КЎРА, БУГУН АЛДОВЛАР, ХОМХАЁЛЛАР ҲАМДА КУТИЛМАГАН ВАЗИЯТЛАР КУНИ ЭКАН. АЙНИҚСА, СОАТ 12 ДАН КЕЙИН МУЛОҚОТЛАРНИ ЧЕКЛАШ, БИРОН-БИР ЯНГИ ИШГА ҚЎЛ УРМАСЛИК ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ. ҲУЖЖАТЛАРГА ҚЎЛ ҚЎЙИШ, ЯНГИ ТАНИШУВЛАРДАН ҲАМ ЎЗИНГИЗНИ ТИЙГАНИНГИЗ МАЪҚУЛ. УЙ-РЎЗҒОР ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИ БИЛАН МУОМАЛАДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ИЛОЖИ БОРИЧА АВТОМОБИЛЬ РУЛИГА ЎТИРМАНГ.

Ўйлаб қўйган ёки режалаштирган ишларингиз бугун юришиши қийин. Шунинг учун режалаштириш, қарорлар қабул қилиш ҳамда ўйламай бериладиган ваъдалардан ўзингизни тийинг. Бугун руҳий жиззакилик, жиловлаб бўлмайдиган эҳтирослар эҳтимоли кучаяди, бинобарин, ўзингизни тутишга ҳаракат қилинг.

Бугунги воқеалар асосида ўз келажагингиз ҳақида мушоҳада юритишингиз мумкин. Хафагарчиликлар ишингизга халақит бермасин, истиқболларингиз олдини тўсиб қўйманг. Шахсий ҳаётингизда бугунги кун муҳим роль ўйнаши мумкин. Янги меҳр-муҳаббат туйғулари қалбингизга йўл топиши эҳтимоли бор. Кутилмаган, ёқимли танишувлар бехуда кетмайди – узоқ ва жиддий муносабатларга асос бўлади.

Бугун ҳар қандай тозалик, озодалик тадбирлари хайрли бўлади. Ҳаммомга тушиш, гўзаллик салонлари, массажхоналарга ташриф буюриш фойдали. Уйларингизни ҳам саранжом-саришта қилиб, исириқлар тутатиб хоналарни тозаланг.

Тирноғингиз синиши - кутилмаган хасталикларга ишора. Тепадан устингизга бирор нарсанинг тушиши ҳаётингизда рўй берадиган кескин ўзгаришлардан огоҳлантиришдир.

Қуёш кўтарилганидан бошлаб соат 12 гача кўрган тушларингиз башоратли ҳисобланади. Тушда момақалдироқ, чақмоқ ёки оловни кўриш яхшилик аломатлари бўлиб, осмон ва юлдузлар омадли ўзгаришлар ва орзуларингиз рўёбга чиқишига ишорадир.

Ошқозон-ичак йўли бугун заифлашган ҳолатда бўлади. Заҳарланиш ва интоксикация хавфлари мавжуд. Шунинг учун спиртли ичимликлар, оғир ва гўштли таомлардан воз кечиб, сабзавотлар ва сут-қатиқли овқатларга зўр беринг.

Кийинишда яшил, кўк ва олтинранг либослар бугун кўпроқ ярашиқли ва омадли бўлади. Қора, кулранг ва жигарранг кийимлардан бугунча воз кечганингиз маъқул.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 212-хона.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 707

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6